# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 4 МАЙ, сешанба, № 30 (5.986). Сотувда эркин нархда


# ЎЗБЕК КУРАШИ — ЖАҲОН МАЙДОНИДА

***Президент Ислом Каримовнинг кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзи***

Азиз спортчилар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрган паҳлавонларни қадимий ўзбек заминида муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Кураш бўйича Биринчи жаҳон чемпионати Ўзбекистон пойтахтида ўтаётгани биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Буни биз курашнинг асл ватани — Ўзбекистонимизнинг нафақат спорт майдонларида, умуман жаҳон тараққиётида ўзига хос, ўзига мос ўринга, нуфуз ва обрўга эга бўлаётганидан яққол далолат деб биламиз.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар:

Мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.

Бу қадимий заминда туғилиб-ўсиб, муборак номлари афсона-ю достонларга айланиб кетган Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шониға-шон қўшганлар, донғини бутун оламга таратганлар.

Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни беғоят қувонтиради.

Бугун, шу юксак спорт анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари олдида туриб, ўзбек курашига меҳр қўйган, миллий федерациялар тузган барча чет эллик дўстларимизга, айниқса кураш бўйича биринчи чемпионатларини ўтказган Япония ва Боливия спорт жонкуярларига сиз, азиз дўстлар ва шахсан ўз номимдан алоҳида миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз



маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади.

Сафингиздаги энг кучли курашчи полвонларнинг номлари эса биринчи жаҳон чемпионлари сифатида тарих варақларида абадий қолади.

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз, «Қувончим, ифтихорим, ғурурим — Ўзбекистон» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади.

— Ўзбек кураши биринчи чемпионати анжуманининг барча иштирокчиларига, ташкилотчилари ва меҳмонларига ҳаяжонли учрашувлар, ёрқин таассуротлар ва янги ғалабалар сурури, завқу шавқи ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу бетакрор гўзал спорт залида тўпланган сиз азизларни ўрнингиздан туриб, бағрингизни кенг очиб, меҳмондўст халқимиз номидан: «Кураш ватани — Ўзбекистонга хуш келибсиз» деб барча кураш иштирокчиларини табриклаб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини очиқ деб эълон қиламан.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# 9-МАЙНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

9-майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларға ўтказилсин.

8. Мазкур фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга — ярмига.

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 270 моддаси 3-қисмида, 271 моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёҳуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «А, В» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 272, 273 моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек, биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 апрель

# АЛПОМИШ ЮРТИДА АЛП ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

1999 йилнинг 1 майи нафақат ўзбек полвонлари, балки бутун Ўзбекистон халқи ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади. Шу куни ўзбек миллий курашини дунё эътироф этди. Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бошланди.

... Пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис саройи байрамона безатилган. Карнай-сурнай садолари янграмоқда. Бу ерда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанани халқаро «Кураш» ассоциацияси президенти К. Юсупов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, халқаро «Кураш» ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Каримов чемпионат иштирокчиларини бу ажойиб спорт байрами билан табриклади ва чемпионатни очиқ деб эълон қилди.

«Ўзбек курашида мардлик, жасурлик, бағрикенглик, олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган, деди жумладан юртбошимиз. Шунинг учун ҳам унинг жаҳондаги энг оммавий, энг севимли спорт турларидан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**(Давоми 2-бетда).**

## Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро Кураш Ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!

Курашни дунё миқёсига олиб чиқишда кўрсатган ташаббусингиз, тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқингизда биз, полвонлар шаънига билдирган самимий тилакларингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорлик изҳор этамиз!

Биринчи жаҳон чемпионати ўзбек кураши спортнинг бетакрор ва ўзига хос тури эканлигини яна бир бор намоён этди. Аминмизки, ушбу чемпионатнинг ўтказилиши спортнинг бу турига халқаро жамоатчилик эътиборини янада кучайтиради. Биз, кураш байрамининг иштирокчилари бўлган 48 мамлакат вакиллари ушбу ажойиб спорт турининг энг фаол тарғиботчилари бўламиз. Тошкентда ўтган ҳаяжонли кунлар, ҳалол ва қизғин беллашувлар хотирамизда умрбод сақланиб қолади.

Ишончимиз комилки, яқин келажакда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари қаторидан ўзига муносиб жой олади, «XX1 Аср спорти» сифатида довруғ таратади.

Биз, мусобақа қатнашчилари Сизга, муҳтарам Президент, ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридан жой оладиган қувончли кунларни кўриш насиб этишини тилаб қоламиз.

*Тошкент шаҳри,*
*1999 йил 2 май.*

## Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Маркиз Хуан Антонио Самаранчга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Самаранч жаноблари!

Биз, дунёнинг 48 мамлакатидан Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида тўпланган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати иштирокчилари, Сизнинг Олимпия ғояларини дунёга кенг ёйиш борасидаги эзгу ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз мазкур чемпионат давомида Ўзбекистонда спортга қандай эътибор берилаётгани, мамлакат Президентининг бу соҳадаги ғамхўрлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз, биринчи жаҳон чемпионатининг барча иштирокчилари, келгусида кураш бутун дунёдаги энг қизиқарли ва оммавий спорт турларидан бирига айланади ҳамда Сизнинг ёрдамингизда Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан Олимпия спорт тури сифатида эътироф этилади, деган ниятдамиз.

Ишонамизки, кураш Ўзбекистондагина эмас, умуман бутун жаҳонда Олимпия ғояларини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади.

Жаноб Президент!

Биз, иштирокчилар Сизга кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг Эсдалик Кубогини йўллаймиз ва у Халқаро Олимпия музейидан муносиб ўрин эгаллайди, деб умид қиламиз.

*Тошкент шаҳри,*
*1999 йил 2 май.*

# ЛОҚАЙДЛИК ЖОҲИЛЛИКДАН ЁМОН

Яқинда Олий Мажлис XIV сессияси бўлиб ўтди.

Матбуотда Президентимизнинг сессия минбарида қилган маърузасини ўқидик.

Биз ўзимизга, жамиятимизга, бугунимизга, истиқболимизга яна бир карра разм солдик.

Ҳар бир гап, хатбоши чуқур таҳлил қилинса, англаймизки, бевосита бизнинг яшаш тарзимизни яхшилашга, дунёда ўз ўрнимизни топишга ва бунга ҳақли эканимизга қаратилган. Одам боласи дунёга одам кўпайсин учун келмайди. Оллоҳ берган умрни қандай яшаш, ҳаётда йўқ бўлиб, яъни, йитиб, кўзга ташланмай кун кечириш ўрнига борлигингни билдириш, менинг номим бор, ўзим бор, мен ахир Инсонман дея билиш, албатта, ўзимизга боғлиқ.

Англаган, ўзини қадрлаган одам, шу пайтда сессияда кўтарилган масалалар юзасидан, шахсан ўзим нима қилоламан, амалда қўлимдан қандай иш келади, бошқа бир замондошим ўзига таааллуқли йўналиш бўйича қай тарзда фаолият кўрсатаяпти, хуллас, биз Ватан ва Юртбоши чорловларига нечоғлик сафарбармиз деб фикрлайди. Чунки, Истиқлол йўлида ҳаммамизнинг зиммамизда бир хил масъулият бор. Раҳбар, олим, шоир, деҳқон,

**Сессиядан кейинги ўйлар**

ўқувчи... қайси соҳа вакили бўлмайлик, ўз ўрнимизда Ватан озодлигига масъулмиз. Бизни шу эзгу тушунча бирлаштирар экан, демакки, Озод юрт келажагининг тараққиёт мезонлари белгиланган сессияда кўриб чиқилган ҳар қайси масалага бу менга тааллуқли, деб қарашимиз зарур.

Зеро, Ватан битта. Демак, қарашларимиз, интилишларимиз, керак бўлса муаммоларимиз ҳам айрича бўлмаслиги керак. Бир ёқадан бош чиқариб, бир мушт бўлиб, битта Ўзбекистон бўлиб жамланмак пайти ҳозир.

Сессияда долзарб вазифалар кафтдагидай аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб ўтилди. Биргина мақола билан уларнинг ҳар бири ҳақида сўз юритиш осон эмас, албатта. Ўйлаймизки, ҳар бир устивор йўналишга алоҳида урғу берилиб, етарлича таҳлил қилинади. Бу ҳақда халқимиз ўз фикр мулоҳазаларини баён этади. Матбуотимизда шу кунлари чоп этилаётган мақолаларнинг аксар қисмида кишилар XIV сессиядан кейинги таассуротини баён қилишаяпти ҳам.

Яна бир карра эслатиб ўтиш керак. Сессия амалдаги давлат бошқаруви тизимининг барча бўғинларидаги раҳбарлар, мансабдор шахслар олдига давр талаби, замона руҳиятидан келиб чиқиб жиддий масалалар қўйди. Юзга айтганнинг заҳри йўқ. Президентимиз бошқарув тизимидаги айрим раҳбарларни ҳушёрликка ундовчи шундай гапни айтиб ўтдилар: **«Келинг, ўзимизга шундай савол берайлик: бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бу тизимнинг ҳар бир бўғини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ва бурчларни қандай бажармоқда? Тўрачилик, ўз**

**(Давоми 2-бетда).**

# ...ТЕМИРЧИНИНГ БИР УРГАНИ

***«Кейс» комбайнининг ғаллазордаги ҳаракатини кузатганмисиз? Кенг қамровли баҳайбат техниканинг мўъжизакор ҳаракатини фақат эртаклардаги кўринишда тасаввур этиш мумкин. Бир кунда ўртача 25 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олади. Демак, 100 гектар ғаллазор учун 4 кун кифоя. Энди шунча ҳосилни «Нива» комбайнида ўриб йиғишни тасаввур қилайлик. Кунига 5 гектарлик унум бўлганда ҳам 20 кун керак. Бу деган сўз ғаллазор 20 кундан кейин ҳосилдан бўшайди. Бундан ташқари, шунча вақт ичида қанча бошоқ донини тўкиб юборади. Деҳқончиликда фурсатнинг баҳосини ҳеч бир ўлчов бирлигида ифода қилиб бўлмайди.***

Кам унум агрегат билан замонавий комбайнларнинг унумдорлиги таққосланганда «Игначининг минг ургани — темирчининг бир ургани» деган нақл эсга тушади. Афсуски, бугун ҳам эски техникага, демакки, эскиликка ёпишиб олганлар орамизда йўқ эмас. Уларга замонавий техника хосиятлари ҳақида сўзласангиз, «Аввалгисига ўрганиб қолганмиз», деб қўйишади. Лекин барибир янгилик ғолиб келади. «Кейс»нинг бунчалик эканлигини бил-

**Замон — изланганники**

маган эканмиз» деган эътирофлар эскича қарашларнинг чекинаётганидан далолатдир.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси мамлакат аграр жабҳасини серунум техника ва технология билан изчил таъминлаш бўйича қатор амалий ишлар қилмоқда. Ҳар қандай янгилик тараққиёт учун хизмат қилсин — бугуннинг шиори шундай. Янги техника эса янгича тафаккурдаги одамлар қўлида мўъжизалар яратади. Давлат-тижорат қўмитаси 1995 йилдан буён Американинг «Кейс Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қўмита Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, «Ўзқишлоқмаш-холдинг» ва «Кейс Корпорейшн» компаниялари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш бўйича «Ўзбексервис» қўшма корхонасини тузди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда «Кейс»

**(Давоми 2-бетда).**

# ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ

Муҳтарам йўлбошчимизнинг АҚШга қилган сафари миллионлаб ватандошларим қатори менинг кўнглимни ҳам ҳеч қачон унутилмас ёрқин ва кўтаринки туйғуларга чулғади. Ташрифга бағишланган телерепортажларни кўриб, Президентимиз нутқлари ва суҳбатларини эшитиб, дунёда ўз муносиб мавқеига, ўз доно сўзига эга бўлган мустақил давлатимизнинг бутун бўй-басти кўз ўнгимда янада юксалди. Қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Мустақил Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан чексиз ғурурландим. Юртимнинг довюрак ва мард Йўлбошчиси халқимиз бахтига доимо омон бўлишларини Яратгандан тиладим.

**Дил изҳори**

Салкам чорак асрдан буён бригада етакчиси бўлиб ишлаб келаяпман. Бу йил 125 гектар майдонда пахта, буғдой, сабзавот ва картошка етиштирмоқдамиз. Бригадамнинг режаларни бажармай қолдирган йили бўлмаган. Ҳолбуки, шароити анча мураккаб Занг адирлари қўйнида меҳнат қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШда ўқиётган бир гуруҳ ўзбекистонлик талабалар билан ўтказган самимий мулоқотлари биз — ёшлар билан ишлаётган каттаю-кичик меҳнат жамоаси раҳбарларига улуғ дарс бўлди. Катта авлод вакиллари қаерда бўлмайлик, қайси иш ва вазифани бажармайлик, ёшлар тўғрисида, уларнинг бахти-камолоти ҳақида ўйлашимиз, қайғуришимиз зарур.

Президентимизнинг Америкага қилган сафарлари ҳақида ўйлар эканман, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Биз тенгилар фарзандларимиз хорижда ўқишларини бундан ўн йиллар аввал хаёлимизга келтирмаган эдик. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда ёшларимиз чет элларда таълим олаётганликларига ростини айтсам ҳавасим келади.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ана шу фарзандларимиз қўлида!

**Йўлдошали НАЗАРОВ,**
**Янгиқўрғон туманидаги Д. Сатторов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.**

# АЛПОМИШ ЮРТИДА АЛП ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илдизлари бақувват дарахт азим бўлади. Курашимиз илдизлари ҳам узоқ тарих қатларига сингиб кетган. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намунаси бўлмиш «Алпомиш» ва бошқа достонларимизда кураш ҳақида ажойиб лавҳалар битилган. Кураш майдонида кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги ривоят мана неча юз йилдирки, тилдан-тилга ўтиб келмоқда.

Яқин-яқингача кураш мусобақалари фақат тўю тантаналарда, ҳосил байрамларида ўтказиларди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча миллий қадриятларимиз каби курашга ҳам эътибор кучайди. Миллий кураш бўйича мусобақалар ўтказила бошланди.

1992 йилда Канадада ўтказилган «Дзю-до» бўйича жаҳон чемпионати ҳамда жаҳон «Дзю-до» федерациясининг конгрессида илк бор ўзбек кураши тарғиб этилди. Кейинчалик Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Монако давлатларида бўлиб ўтган халқаро спорт анжуманларида ҳам ўзбек кураши ҳақида атрофлича маълумот берилди. Миллий курашимиз чет эллик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Курашнинг жаҳон миқёсида тан олинишида, дунёга кенг ёйилишида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Бевосита йўлбошчимиз ташаббуси билан Термиз ва Тошкент шаҳарларида кураш бўйича халқаро турнирлар ўтказилди. Ўтган йилнинг сентябрида пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги мусобақаларида жаҳоннинг 28 мамлакатидан полвонлар қатнашди. Улар кураш спортнинг бетакрор, ўзига хос тури, ҳақиқий полвонлар мусобақаси эканини эътироф этишди. Ўзбек кураши дунё миқёсида кенг ёйилишига ишонч билдирилди. Шу тариқа биринчи жаҳон чемпионати ўтказилишига замин яратилди.

1998 йилнинг 6 сентябрь куни халқаро «Кураш» ассоциацияси ташкил этилди. Ўзбек миллий курашини ривожлантириш ва дунёга ёйишдаги юксак хизматлари учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ассоциациянинг доимий фахрий Президенти этиб сайланди.

Шу йилнинг биринчи февралида Президентимиз миллий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олиниши муносабати билан «Халқаро «Кураш» ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» фармон қабул қилди. Бу фармон нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда курашнинг яна ҳам кенг қанот ёйишига, оммалашувига хизмат қилмоқда.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида элликка яқин мамлакат спортчилари қатнашди. Гиламга Ўзбекистон, АҚШ, Канада, Бразилия, Боливия, Чили, Жанубий Африка, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия, Россия, Туркия, Нидерландия, Эстония, Латвия, Литва, Эрон, Конго каби давлатлар полвонлари чиқдилар. Шу пайтгача спорт тури бўйича ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатларида ҳеч қачон бунчалик кўп мамлакат вакиллари иштирок этмаган. Масалан, дзю-до бўйича биринчи жаҳон чемпионатида еттита, самбо бўйича биринчи жаҳон чемпионатида борйўғи учта мамлакат полвонлари қатнашган, холос.

Ўзбек курашини бугун дунё тан олди. Ўзбекистондан минглаб километр узоқдаги ўлкаларда «Кураш» ассоциациялари фаолият кўрсата бошлади. Ҳатто, Япония ва Боливияда кураш бўйича миллий чемпионат ўтказилди. Африка, Европа, Америка, Осиё ва Австралия қитъаларидаги юзлаб давлатларда ўзбек курашига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда яна бир гапни алоҳида таъкидлаш зарур. Полвонларнинг кўк ва яшил яктакда, оқ шим ва қизил белбоғда гиламга тушишлари кураш қоидаларига махсус киритилган. Бу мустақил мамлакатимиз байроғи рамзидир. Бундан ташқари ҳакамлар мусобақа пайтида «ҳалол», «ёнбош», «чала», «кураш», «тўхта», «танбеҳ», «дакки», «ғирром» каби соф ўзбекча сўзлар ишлатади. Демак, ўзбек иборалари жаҳон спорт луғатидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилиши нафақат спортимизнинг, балки мамлакатимизнинг ҳам жаҳонда обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бораётганининг ёрқин исботи бўлди.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

* * *

1—2 май кунлари «Юнусобод» теннис саройи ва «Жар» спорт мажмуида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда учта вазн тоифаси бўйича жаҳон чемпионлари аниқланди. Мамлакатимиз Президенти чемпионатнинг тантанали очилиши маросимида сўзлаган нутқида ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз Ўзбекистон дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, деб ишонч билдирган эди. Юртимиз полвонлари мардлик ва шижоат намуналарини кўрсатиб, Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам кураш ватани, алплар юрти эканлигини амалда исботладилар. Мамлакатимиз полвонлари учта олтин, учта кумуш, тўртта бронза медалларини қўлга киритиб, юксак натижага эришдилар. Акобир Қурбонов, Камол Муродов ва Тоштемир Муҳаммадиев ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпионлари бўлди.

2 май куни «Жар» спорт мажмуида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ғолибларини тақдирлаш ва чемпионатнинг ёпилиш тантаналари бўлиб ўтди. Унда халқаро «Кураш» ассоциацияси иккинчи конгресси қатнашчиларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга йўллаган мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

Чемпионатнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**



**Мутлоқ вазнда ғалаба нашидасини сурган полвонимиз Тоштемир Муҳаммадиевнинг кувонч туйғуларини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.**



**Вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳурмат шоҳсупаси тўлалигича юртдошларимизга насиб этди. Айниқса, биринчи ўринни эгаллаган Камол Муродов, иккинчи поғонани банд этган Армен Багдасаров, учинчи ўрин билан кифояланган Баҳром Авезовлар мухлислар олқишига сазовор бўлишди.**

Алишер РИСҚИЕВ олган суратлар.

# ПОЛВОНЛАРИ ЕНГИЛМАС ДИЁР

Қашқадарё вилоятида кураги ерга тегмаган полвонлар кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида катта достон битса бўлади. Ғузор туманида туғилиб ўсган Баҳром Авазовни ким билмайди дейсиз? Ёшлигидан полвон бўламан деб юрарди. Унинг орзуси рўёбга чиқди. Бугунги кунда полвонлар сардори сифатида эл олқишини қозонди. Полвонлиги туфайли мусобақаларда ғолиб чиқиб бир неча марта енгил автомашина билан мукофотланди.

Пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган миллий кураш беллашувида ҳам кучини кўрсатди. Жаҳон таниган полвонларнинг курагини ерга тегизди. Бугунги кунда шу нарсани кувонч билан айтишим keракки, Тошкентда жаҳон полвонлари мусобақаси ўтказилиши республикамиз учун, элимиз учун катта обрў бўлди. Бизга меҳмон бўлиб келганлар республикамизда спортга нақадар катта аҳамият берилаётганлигини кўриб беҳад қувонишди. Ҳурматли Президентимиз шаънига олқишлар айтишди. Бағри кенг, саховатли ва меҳмондўст ўзбек халқининг шундай Президенти борлигига уларнинг ҳаваси келди. Бу эса Алпомишлар, Кўкалдошлар юрти фарзандлари бўлган бизларни мустақил мамлакатимиз шон-шуҳратини оширишга, ҳар соҳада фидойиларга ишлашга ундайди.

**Соҳиб УСМОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти фахрийлар кенгаши раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.**

# ЛОҚАЙДЛИК ЖОҲИЛЛИКДАН ЁМОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

**вазифасига совуққонлик билан қараш, порага сотилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?».**

Юртбошимиз юқоридаги ҳаётий саволларга давлат бошқарув тизимини ривожланган ва демократик давлатлар намунаси асосида, кадрлар масаласини ҳал этиб ҳамда ижроия ҳокимият устидан ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширажак назоратни бутун чоралар билан кучайтириш туфайли тайинли жавоб топиш мумкинлигини уқтираяптилар. Тўғри, бир соҳани бошқариш, раҳбар бўлиш осон эмас. Лекин, бу нарса билан йўлдан оғиш, қинғир ишларнинг сабабчисига айланиб, уларга қўшилиб қолишни хаспўшлаб ҳам бўлмайди. Туман раҳбари аввало ўша жойдаги аҳвол, кишилар кайфияти, жами тармоқларда ишнинг кетиши олдида жавобгардир. Тараққиётни юқоридан эмас, қуйидан бошлаш керак. Яъни, ҳар бир жойда бугунги ўсишимизнинг негизи нимага боғлиқ эканлигини тушунишимиз кифоя. Одамлар юқори минбардан туриб Йўлбошчимиз айтаётган фикрларни тўлиқ тушуниб, мағзини чақа билмаса ёхуд ҳатто ўша жойдаги раҳбар ҳам буни етарлича англай олмаса, бундан ёмони йўқ. Мен гоҳида ўзимгаўзим савол бераман: Галдаги сессияда ташланган масалаларни ҳамма раҳбарлар ҳам юракдан ҳис қилишармикин? Ўшалар ҳам куйиб-ёниш даражасидамикин? Юрт раҳбарининг жойлардаги камчиликлар борасида оғриниб айтган сўзларидан қалблари алангаланаяптимикин? Эй, инсон, бу менинг хатоларим тўғрисида сўз бораяпти, мен раҳбарлик қилаётган ташкилот, хўжалик ёки туманда ҳам аҳвол шу-ку! Демак, ўз ишимга нолойиқ эканманда, одамлар кўз ўнгида шармисор бўлгандан кўра, ўрнимни бошқаларга бўшатиб берай дейдиган мард раҳбар топилармикин? Билмадим. Бу ишни халқ ва Ватан манфаатини ўз мансабидан, юмшоқ ўринли хизмат машинасидан устун қўйган тантиларгина қила олиши мумкин. Яна бир нарса, жамиятда содир бўлаётган айрим камчиликлар учун бир-биримизни рўкач қилиб, айб мендамас сенда, қабилида иш тутиш билан узоққа бориб бўлмайди. Лоқайдлик жоҳилликдан кўра ёмонроқ. Тўғри, хатога қўл урган жавоб бериши керак, лекин унинг хато қилаётганини кўриб, жим турган, баъзида уни шу нарсага ундаган кимсалар-чи? Улар ҳам бу хатонинг бошида турган бўлиб чиқмайдиларми?

Шунингдек, сессияда қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ичимлик суви, газ, равон йўллар, алоқа тармоқларидаги айрим муаммоларга чек қўйиш дегани. 2005-йилга қадар қишлоқ аҳолисининг 85 фоизи ичимлик суви, 82 фоизини эса табиий газ билан таъминлаш назарда тутилган. 1999—2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушириш керак. Бу ҳазил гап эмас, албатта. Лекин, шу нарса Президентнинг диққат марказида тураркан, ишонч ва қатъият билан айтиш мумкинки, белгиланган муддатда албатта, ўз ниҳоясига етади.

Лекин, бу нарсани юқоридан келиб амалга оширадилар, тепанинг назарида турибмиз, биз қайғурмасак ҳам бўлади, дейдиган замонларнинг қозони аллақачон тўнтарилган. Шу ўринда, бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган йили бир ҳоким билан суҳбатлашиб қолдик. Мана «Нексия» автомобилини ишлаб чиқараяпмиз. Саноатимиз фахри бу! Истиқлолимизнинг меваси. Шу машинани барча раҳбарлар хизмат машинаси қилишса, аввало фахр туйғуси, ўз машинасидан ғурурланиш ҳисси намоён бўларди. Бунинг устига ёқилғи кам сарфланади, — деган фикрни айтдим. Ҳалиги ҳоким ўйламай нетмай, «Нексия» шаҳарга бўлади, бизга, қишлоқда юришга тўғри келмайди, деб қолди. Нима учун деб сўрадим. Ҳа, энди йўлимиз ёмон, деган жавобни олдим. Во ажаб! Сизнинг туманингизда йўл чатоқ бўлса «ЎзДЭУ» келиб тузатиб бериши керакми, бу ўринда «Нексия»нинг нима айби бор, ахир айб ўзингизда, йўлга қарамагансиз, деб юбордим. Ҳоким ранжиди.

Хуллас, ҳар нарсага баҳона ахтаргандан кўра айбни ўзимиздан қидирайлик. Масъулиятни ҳис этайлик... Сессияда белгиланган йўналишлар замиридаги шундай маъно бор эди, десак адашмаймиз. Хулоса шуки, Лоқайд бўлмайлик. Лоқайдлик жоҳилликдан, кўрқоқликдан ҳам ёмон иллат. Бу иллатни вужудимиздан, тасаввуримиздан супуриб ташлайлик.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ.**

# ТОҒЛАР ТАГИ ТЎЛА БОЙЛИК

## *Бу фикрга наинки мутахассислар, балки жиззахлик оддий чўпонлар ҳам амин*

Мамлакатимизнинг табиий бойликлари ҳақида гап кетганда, «Оллоҳ ёрлақаган юрт», дея бежиз эътироф этилмайди. Негаки, мамлакатимиз ҳудудида Менделеев жадвалидан ўрин олган ҳамма моддалар бор. Бор бўлганда ҳам уларнинг энг ноёби ва қиммат баҳолари сараланганки, мана бугун улар истиқлолга хизмат қилаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, бу бойликларнинг заҳираси уч триллион долларни ташкил қилади.

Мамлакатимиз раҳбарияти бу улкан заҳирадан келгуси авлодларни ўйлаган ҳолда оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Жиззах шаҳридан Фориш томонга қирқ чақиримча юрганингиздан кейин Нурота тизмасининг улкан туядай чўкиб ётган дастлабки тоғлари кўзга ташлана бошлайди. Бу ерларда ёйилиб юрган от, қўй уюрларининг ҳаракатида далаларга иштиёқмандлик кайфияти... Фақат кейинги пайтда Чимқўрғоннинг табиий ҳолатини юк машиналарининг шовқини, бульдозер, экскаваторларнинг ҳайқириғи бузиб юборди.

Бу ердаги қирларда уюр боқиб юрган чўпонлар кон қазиш ишларининг боришини синчковлик билан кузатишади. Авваллар эшитган гаплар ёдларига тушиб, якдил фикрга келишади.

— Қаранг-а, ота-боболаримиз тўғри айтишар экан. Бу тоғлар таги конга тўла, деб. Биз ҳам шу пайтгача темир конининг устида билмай пода боқиб юрган эканмиз.

Чўпонларнинг гапи ҳақ. Улар шу пайтгача кўзга суртгулик бойлик устида қўй боқиб юришган. У биринчи навбатда қурилиш ишларининг «нони» бўлган цемент ишлаб чиқариш учун сув ва ҳаводек зарур.

Ҳаммага маълум эски ва бугунги кунда янги долзарблик касб этган оддий ибора бор. Бир товуқни боқиш учун ҳам дон-у ҳам сув керак. Бу иборани замонавий саноат корхоналари фаолиятига нисбатан тадбиқ қиладиган бўлсак, бир маҳсулот тайёрлаш учун кўплаб хилдаги хомашё зарур бўлади, деганидир. Уларнинг биронтаси етишмай қолса, маҳсулот сифати бузилади ёки уни тайёрлашнинг имкони бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиздаги цемент корхоналари темир маъдани билан боғлиқ муаммолар туфайли худди шундай ҳолга тушиб қолган эди.

— Бунинг сабаби, — дейди «Кизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти бош геологи Суюнбой Муталов, — Цемент корхоналарини юргизиш учун сифатли те-

**Ўзбекистон — Ватаним маним**

мир рудаси зарур бўлади. Усиз қозонхона ҳам яхши ишламайди, сифатли маҳсулот ҳам олиб бўлмайди. Бундай рудалар республикамизга жуда катта қийинчиликлар эвазига валюта сарфланиб четдан келтириларди. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиздаги цемент корхоналарининг темир рудасига бўлган эҳтиёжи йилига 250-300 минг тоннани ташкил қилади. Чимқўрғон темир конининг очилиши бу эҳтиёжни тўла қондирадиган бўлди.

Аслида ушбу кон «Самарқанд геология» бирлашмаси томонидан 1990 йилларнинг бошида очилган. Лекин турли сабаблар билан ундан фойдаланишни йўлга қўйиш ишлари чўзилиб келинар эди. Республика «Автойўл» давлат — ҳиссадорлик уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ердаги темир рудасини қазиб олиш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш ишлари жуда қисқа муддатда амалга оширилди.

Чимқўрғон темир маъданини қазиб олиш очиқ усулда олиб борилиши ва сифатининг юқорилиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Миллионлаб йиллар мобайнида вужудга келган мазкур бойликдан олинаётган ҳар бир тоннанинг 40-50 фоизи зарур хомашё бўлиб чиқмоқда. Бу — дунё миқёсида олганда ҳам катта даражадаги топилмадир. Яна бир муҳим томони, унинг маъдани цементнинг 500 маркалигини ишлаб чиқариш учун имконият яратиб беради. Бу ўз навбатида аэропорт йўллари, йирик кўприклар, шахталарни қуришда бағоят қўл келади.

— Биз самарқандлик, сирдарёлик, андижонлик ҳамкасбларимиз ёрдамида конни ўзлаштиришни бир ярим ойда йўлга қўйдик, — дейди «Жиззах автойўл» давлат ҳиссадорлик жамияти раиси Зокир Мансуров. — Ҳозир кунига Навоийдаги цемент заводига минг тоннадан ортиқроқ темир рудаси жўнатилаяпти.

Биз бу ишимиздан икки томонлама манфаатдормиз. Биринчидан, маъданни истеъмолчиларга етказиб бериб мўмай даромад олсак, иккинчидан ундан тайёрланган юқори маркали цементдан хорижий андозаларга мос йўллар қуришимиз мумкин бўлади.

Чимқўрғон конидан истеъмолчиларга зарур маъданни тез ва арзон баҳода жўнатишда темир йўл бекатининг яқинлиги жуда асқотяпти. Ҳозирги пайтда мазкур бекат ёнидан маъданни майдалаш цехини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Уни узоғи билан икки ойда ишга тушириш режалаштирилмоқда. Натижада Ўзбекистондаги ҳамма цемент заводларининг темир рудасига бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади. Шундай экан ўз навбатида қуйидаги савол туғилади: коннинг заҳираси қанча вақтга етади?

— Бу ерда камида 2,5 миллион тонна темир рудаси бор, — дейди С. Мутаев. — Бу мутахассисларимиз томонидан аниқланган устки қатламдаги заҳиранинг миқдори. Аслида бу миқдор жуда катта бўлиб, цемент корхоналаримиз эҳтиёжини узоқ йиллар таъминлашга етади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

# ...ТЕМИРЧИНИНГ БИР УРГАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

русумидаги қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш учун қатор масканлар очилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг «Кейс Корпорейшн» компанияси билан узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисида имзолаган Битимига биноан «Ўзбекагролизинг» қўшма корхонаси вужудга келтирилди ва кейинги икки йилда мамлакатимизга лизинг асосида 35та шоли ўриш комбайни келтирилди.

Шу ўринда лизинг ҳақида маълумот. Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф иккинчи тарафнинг топшириғига биноан учинчи тарафдан ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни олади. Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат қўмитаси ва «Кейс Корпорейшн» компанияси ўртасидаги самарали ҳамкорлик даврида Ўзбекистонга 825та серунум ғалла ва шоли ўриш комбайнлари, 1555та плугли «Магнум» ҳайдов трактори келтирилди. Биргина 1998 йилда имзоланган шартномага кўра 150та «Кейс-2366» ғалла ўриш комбайни, 600та «Магнум-8940» ҳайдов трактори ва 600та «Квернеланд» плуги олиб келинди.

Машина-трактор паркларини серунум комбайн ва ҳайдов техникаси билан таъминлаш мақсадида янгидан-янги шартномалар вужудга келмоқда. Яқинда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитасининг «Кейс Корпорейшн» компанияси билан 1999 йил учун имзолаган шартномаси ҳукумат даражасида маъқулланди. Жорий йилда 200та «Кейс» комбайни, 400та «Магнум 8940» трактори (яна 400та плуг) келтирилиши шартномада кўрсатилган. Шунингдек, бу йил республика шароитида кенг ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш учун «MF-8160» русумли 25та трактори ва шунча плуг сотиб олиш таклифига розилик берилди.

Ўзбекистон Германиянинг «Ландтехник» фирмаси билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Ҳозирги пайтда ушбу фирма билан хашак ўришга мўлжалланган замонавий серунум «Марал-125» комбайни ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тузилди. Шунингдек, АҚШнинг «Катериниллер», Италиянинг «Нью Холланд» ва «Фиат», Франциянинг «Грегуар Бессон», Германиянинг «Зелько» фирмалари билан ҳам музокаралар юритилмоқда.

Бу ишларнинг ҳаммаси айни муддао. Шу ўринда бир гап. Янги замонавий техника лозим даражада ҳаётимизга сингиб кетмаётганлигининг сабаблари кўп. Шулардан бири механизатор кадрлар масаласи билан боғлиқ. Айрим жойларда «Кейс» русумли техникани яқиндагина бир ойлик ўқувдан келган, умрида бирор тракторни ҳайдамаган ёш йигитларга бериб қўйишади. Оқибатда устоз кўрмаган шогирд ҳар қадамда йўрғалаб қолади, устига устак барча иш органлари тақилмаган техника одамларда нохуш таассурот туғдиради. Ахир, энг мукаммал техникани бошқариш бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, бу ишга маънавий жиҳатдан тайёр кишиларга берилиши керак эмасми?

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

